

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Д.Усмонов

Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун силжишли масала	6
-----------------------------------------------------------------------------------	---

КИМЕ

И.Аскаров, Ш.Қирғизов

Үрик мевасининг кимёвий таркиби ва биологик хоссалари.....	11
------------------------------------------------------------	----

Б.Маҳкамов, Д.Гафурова

Янги полиакрилонитрил / вермикулит таркибидаги синтез, ион алмашинувининг хусусиятлари.....	16
------------------------------------------------------------------------------------------------	----

Р.Мамадалиева, Ф.Шаропов, А.Ибрагимов, Ш.Абдуллаев, В.Хўжаев

<i>Allochrusa gypsophiloides</i> таркибидаги иккита асосий сапонинни УССХ-ЭРИ-МС услубини қўллаш орқали тавсифлаш.....	21
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

М.Ахмадалиев, И.Аскаров

Кротон альдегиди куб қолдигининг таркибини аниқлаш ва унинг асосида полимеркомпозиция олиш.....	25
----------------------------------------------------------------------------------------------------	----

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Низамиев, И.Сайпидинов, Г.Момошева

Яшил “тоза” энергетика бўйича энергетик хабни яратиш истиқболлари Қирғизистонни иқтисодий ривожлантиришнинг янги йўли сифатида.....	29
----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

А.Ғафуров, О.Ғафуров

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш.....	33
---------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Б.Холматова

Қадриятлар тизими ва талаба ёшларда аксиологик онгни шакллантиришнинг фалсафий-педагогик жиҳатлари.....	38
------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

Ж.Дадабоева

Оиласиёй-хуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....	42
-----------------------------------------------------------------------------	----

И.Сиддиқов, Р.Мамасолиев

Миллий юксалиш ғоясини амалга оширишнинг ижтимоий-фалсафий омиллари.....	47
--------------------------------------------------------------------------	----

А.Ғаниев

Тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-маданий ва маънавий моҳияти.....	53
---------------------------------------------------------------------	----

ТАРИХ

О.Бегматов

Ўзбекистонда замонавий банк тизими шаклланиши ва ривожланишининг тариҳий босқичлари.....	57
---------------------------------------------------------------------------------------------	----

Ф.Бобоев

Сурхон воҳасида совет ҳокимиятига қарши кураш ва унинг ўзига хос хусусиятлари (1925-1933 йиллар).....	65
----------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

А.Маҳмудов

Бухоро амирлигига таълим тизимини ислоҳ қилиш ва янги усул мактабларини ташкил этишда Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг фаолияти.....	71
-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Куронов

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи илк ва қайта нашрларидаги бир тафовут ҳақида.....	75
-----------------------------------------------------------------------------------------	----

ТАРИХ

УДК: 336.41

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ БАНК ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНинг ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ

ИСТОРИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОЙ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

HISTORICAL STAGES OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE MODERN BANKING SYSTEM IN UZBEKISTAN

О.Бегматов¹

¹О.Бегматов

- Кўқон давлат педагогика институти, ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчи.

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда илк давлат ва тижорат банкларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ҳамда ривожланиши, замонавий бозор иқтисодиёти асосларининг вужудга келиши, ўзини оқламаган совет банк тизимининг муаммо ва зиддиятларга дуч келиши, мустақилликка эришилгандан сўнг миллий банк тизимининг янги моделига асос солиниши ва тизимнинг ривожланиши тадқиқ қилинган.

Аннотация

В статье исследуются возникновение, становление и развитие первых государственных и коммерческих банков в Узбекистане, основы современной рыночной экономики, проблемы и противоречия неоправданной советской банковской системы, становление новой модели национальной банковской системы после обретения независимости.

Annotation

The article examines the emergence, formation and development of the first state and commercial banks in Uzbekistan, the foundations of a modern market economy, the problems and contradictions of the unjustified Soviet banking system, the establishment of a new model of national banking system after independence.

Таянч сўз ва иборалар: Россия Давлат банкининг Тошкент бўлими, рус капитали, банк иши, совет кредит тизими, СССР банк тизими, хусусий ва акционерлик банклар, Монобанк тизими, Марказий банк, пул-кредит сиёсати.

Ключевые слова и выражения: Ташкентское отделение Государственного банка России, российский капитал, банковское дело, советская кредитная система, банковская система СССР, частные и акционерные банки, система Монобанк, Центральный банк, денежно-кредитная политика.

Keywords and expressions: Tashkent branch of the State Bank of Russia, Russian capital, banking, Soviet credit system, USSR banking system, private and joint-stock banks, Monobank system, Central Bank, monetary policy.

Ўзбекистон ҳудудида илк банкларнинг шаклланиши XIX асрнинг иккичи ярмига бориб тақалади. Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши натижасида рус капитали кириб кела бошлади ва 1875 йил 10 майда Тошкент шаҳрида илк банк – Россия Давлат банкининг Тошкент бўлими ўз фаолиятини бошлади [1]. Ушбу санани Ўзбекистонда банк ва ушбу молиявий ташкилот билан боғлиқ тизимнинг вужудга келиш санаси сифатида қабул қиласа бўлади.

Кўп йиллар давомида Россия Давлат банкининг Тошкент бўлими мустамлакачилик маъмуриятининг бюджет маблағларини назорат қилувчи ва савдони ривожлантириш учун кредитлар берадиган Туркистон минтақасидаги (XIX асрнинг 90-йилларида қадар) ягона банк ҳисобланган. Унинг очилиши Россия тижорат ва саноат

капиталининг Ўрта Осиёга кириб бориши кучайишига, рус саноатчиларининг пахта етишириш минтақаси сифатида Марказий Осиёга бўлган қизиқишини оширишга ёрдам берди.

Кейинчалик ўлкада тижорат банкларининг филиаллари кенг ривожлана бошлади. 1893 йилда “Волжско-Камский банк” ва 1903 йилда “Россия-Хитой банки”нинг филиаллари очилди, у 1910 йилда “Шимолий банк” билан бирга “Россия-Осиё банки” сифатида қайта ташкил қилинди. Худди шу йили “Азов-Дон тижорат банки”нинг Тошкент филиали очилди. Умуман олганда, 1917 йилдаги инқилоб арафасида Ўрта Осиёда Россия давлат банки ва тижорат банкларининг 50 тага яқин филиали мавжуд эди. Марказий Осиёнинг 12та шаҳрида, шу жумладан, Бухоро ва

Хивада банк филиаллари мавжуд эди. 1915 йилга қадар энг кўп банклар Бухорода - 8 та, Самарқандда - 8 та, Қўқонда - 8 та, Андиконда, Наманганда ва Тошкентда учта, Ашхобод ва Марвда иккитадан филиаллар бор эди [2].

Дастлаб Ўрта Осиёда ўз филиалларини очган хусусий банклар фақат депозит ва бухгалтерия ҳисоби ва кредит операциялари билан шуғулланган, аммо пахтачилик ва бу соҳа билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланиб боргани сари банклар оддий бухгалтерия операцияларини тобора камайтириб бориб, маҳаллий буржуазиянинг тижорат саноат операцияларига қарз беришни кенгайтира бошлади. Бундан ташқари, 1910-йиллардан бошлаб, банклар мустақил савдогарлик билан шуғулhana бошлади. Шу мақсадда улар ўзларининг филиалларида товарлар учун махсус омборлар ташкил этди, пахта тозалаш заводларини ижарага ола бошлади ҳамда пахта, қоракўл мўйнаси, пилла ва бошқа хом ашёни сотишда монопол ҳукуқни қўлга киритиб, маҳаллий тадбиркорларга қарз беришни йўлга қўйган эди.

Россияда, сўнгра Туркистонда молиявий капиталнинг ривожлангани сари мамлакатга хорижий капитал оқимининг кўпайишига олиб келди. 1890-йиллардан бошлаб чет эл капитали (немис, француз, инглиз, белгия, америка ва бошқалар) Россиянинг банк муассасаларига, турли саноат ва савдо соҳаларига кириб борди. Чет эл молиячилари ва саноатчиларининг молияси Россия империяси халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларига ва чекка ўлкаларига кириб борди. Ҳатто улар фаолияти тақиқланган худуд – Ўрта Осиё иқтисодиётiga ҳам кириб боради. Ўрта Осиёда фаолият кўрсатган энг йирик банклардан бири – Россия-Осиё банки ташкил топган ва Америка молиявий капитали билан чамбарчас боғлиқ бўлган собиқ Россия-Хитой банки асосида 1910 йилда ташкил этилган эди. Унинг бўлимлари Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андикон, Марғилон, Наманган, Бухоро, Янги Урганч, Ашхобод, Марв каби шаҳарларда очилди. Ушбу филиалларнинг деярли барчаси пахта этиштириш билан боғлиқ корхоналар фаолиятини назорат қилар эди [3].

Умуман олганда, Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар империянинг

қатор давлат ва тижорат банклар фаолияти йўлга қўйилган эди. Айни вақтда XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида ўлкада замонавий бозор иқтисодиётининг асослари вужудга келиб, жадал ривожлана бошлаган эди. Аммо 1917 йилги инқилобий жараёнлар бозор тамойилларига асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидан воз кечилишига, шу билан бирга марказлашган ҳамда маъмурий-буйруқбоззликка асосланган режали иқтисодий тизимга ўтилишига олиб келди. Бу эса нафақат империя маркази, балки Ўзбекистон каби унга қарам ҳисобланган чекка ўлкалар ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, хусусан, банк соҳасининг фаолиятида туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу ўзгаришлар бозор муносабатлари билан бирга эркинлик тамойилига асосланган банк тизимиغا ҳам чек қўйиб, режали иқтисодий тизимга хизмат қилувчи “монобанк” [4] тизимини юзага келтириди.

1917 йил 14 декабрида Бутунrossия Марказий Ижроия Қўмитасининг “Банкларни национализация қилиш ҳақида”ги фармонига имзо чекилди ва унга асосан банк иши давлат монополиясига айлантирилди [5]. Ушбу фармонга асосан мамлакатдаги мавжуд барча банклар Давлат банки остида бирлаштирилди. 1921 йил 12 октябрда эса Марказий Ижроия Қўмитасининг “Давлат банкларини ташкил этиш ҳақида”ги қарори қабул қилинди [6]. Ушбу норматив ҳужжатга асосан аввал РСФСР Давлат банки ташкил этилди, сўнгра Совет Иттифоқи ташкил топганидан сўнг унинг асосида 1923 йилда СССР Давлат банки ташкил этилди [7]. Биргина 1923 йилдан бошлаб 1925 йил давомида СССР Давлат банки бўлнимлари 251 тадан 448 тага етди [8]. Шу тариқа мамлакатда монобанк тизими тўлақонли жорий этилди ва бу тизим 1987 йилга қадар фаолиятни назорат қилар эди [3].

Совет Иттифоқининг иқтисодий ривожланиш модели у ташкил топган дастлабки давриданоқ инновацион ривожланиш талабларига мувофиқ келмаганлиги ҳамда иқтисодиётни бошқаришнинг марказлашган механизми самарадорлигининг пастлигини намоён қила бошлади. Бошқача айтганда, “ҳарбий коммунизм сиёсатидан бошланган тажриба хўжалик юритишнинг йилдан-йилга қарор топиб борган тизими марказий органларнинг чекланмаган ҳукмига асосланувчи

ТАРИХ

ғайрииқтисодий бошқарув усулларининг қарор топишига, унинг таъсирида эса ҳалқ хўжалигида зиддиятлар тўпланиб боришига ва аста–секин мамлакатда инқирозий ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди” [9].

Иқтисодиётдаги инқирозий ҳолатларнинг кучайиб бориши совет банк тизимиға ҳам ўз функцияларини бажарища муаммо ва зиддиятларга дуч келишига олиб келди. Совет кредит тизими кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва заҳираларидан оқилона фойдаланиш салоҳиятини йўқотди. Банк, оммавий ҳодисага айланган – режаларни мунтазам равишда бажармаётган корхоналарнинг заарларини қоплаш учун кредитлар ажратадиган ташкилотга айланди. Натижада, 1980-йилларга келиб, мамлакат ҳалқ хўжалигида тўлов интизоми ва пул айланиши кескин ёмонлашди.

СССР банк тизими (шу жумладан, республикаларда) илмий-техник тараққиётни рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уни интенсив ривожланиш рельсларига ўтказиш, илғор корхоналарнинг тўлиқ харажатларни ҳисобга олиш ва ўзини ўзи молиялаштириш йўналишини қўллаб-кувватлашга қодир эмасликларини кўрсатди. Натижада, иқтисодий ҳаётни либераллаштириш билан бирга мавжуд банк тизимини ислоҳ қилиш масаласи долзарблашди.

Ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида бўлгани каби банк тизимида ҳам ислоҳотларни ўтказишга киришилди. Хусусан, КПСС Марказий Қўмитаси ва СССР Вазирлар Кенгашининг 1987 йил 17 июлдаги “Мамлакатдаги банклар тизимини такомиллаштириш ва уларнинг иқтисодиёт самарадорлигини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида”ги қарори банк соҳасида эркинлаштириш ҳамда монобанк тизимидан икки поғоналига ўтиш жараёнига туртки берди [10].

Ушбу қарор билан соҳада йиллар давомида тўпланиб келган муаммо ва зиддиятларни бартараф этиш кўзда тутилди. Шу мақсадда банк тизимида таркибий ва функционал ўзгаришлар амалга оширилди, янги пул-кредит сиёсати эълон қилинди, банк фаолиятининг бир қатор янги шакллари ва усуллари тасдиқланди ва банк

муассасаларининг техник жиҳозларини сифат жиҳатдан янгилаш кўзда тутилди. Амалдаги банкларни қайта ташкил этиш ва янги ихтисослашган банкларни шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилинди, банкларнинг янги тизими яратилди, улар фаолиятининг асосий йўналишлари ва тамойиллари белгилаб олинди.

1987 йилдан бошлаб бутун мамлакатда (СССРда) бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам кооперативлар (кичик корхоналар) билан бир қаторда хусусий ва акционерлик банклар очила бошлади. Хусусан, мустақилликка қадар, яъни 1990-1991 йилларда, Ўзбекистон Республикасида “Ипак Йўли Банк”, “Наманган Банк” ва бошқа қатор банклар ўз фаолиятини бошлади. Масалан, 1990 йил 23 апрелда “Ипак йўли” акционерлик-инновацион тиҷорат банки ташкил этилди, у 1990 йил 21 июнда СССР Давлат банкидан банк операцияларини ўтказиш учун лицензия олди [11]. 1991 йил (мустақиллик арафаси)дан бошлаб “Андижон Банк” Ўзбекистон Республикасининг банк хизматлари бозорида ўз фаолиятини бошлади, кейинчалик “Ҳамкорбанк” акциядорлик-тиҷорат банки, деб ўзгартирилди [12].

Албатта, монобанк тизимидан икки поғонали тизимга ўтиш жараёни осон кечмади, тажриба ва малаканинг етишмаслиги яққол кўзга ташланди. Банклар, аввалгидек, норентабел мижозларга боғланиб қолган эди, уларнинг давлат томонидан иқтисодий қўллаб-кувватлаш механизми ишлаб чиқилмади, тиҷорат банклари ушбу мижозларга хизмат кўрсатиб, ўзлари учун зарар келтирувчи банк операцияларини амалга оширишга мажбур эди. Шунга қарамай, банк тизимида бозор иқтисодиёти сари илк қадамлар қўйилди. Аммо янги тизимга ўтиш учун ҳақиқий шароит, аслида 1991 йилдан кейин вужудга келган эди.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 1 сентябрда мустақилликка эришганидан сўнг миллий банк тизимининг янги моделига асос солинди. “Монобанк” деб аталувчи тизимни тўлалигича бекор қилиш ҳамда бозор иқтисодиёти шароитига мос келувчи янги банк тизимини шакллантириш бўйича ишлар олиб борилди. Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунлар ишлаб чиқилди. Бу эса банкларнинг барқарор ривожи ва банк

тизимида рақобатнинг вужудга келиши учун шароит яратди. Охирги ўттиз йил давомида Ўзбекистон банкларининг миллий иқтисодиётга таъсир этувчи салмоқли тузилмага айланиш учун ривожланишнинг эволюцион ва айни вақтда мураккаб йўлни босиб ўтишига тўғри келди.

Бундан ташқари, суверенитет Ўзбекистон Республикаси банк тизими учун халқаро нуфузли молиявий ташкилотларга аъзо бўлиш ва улар билан ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш имконини ҳам берди. Хусусан, Ўзбекистон 1992 йил 21 сентябрда Жаҳон банки аъзолигига қабул қилинди.

Банк тизими ривожининг дастлабки даври 1991-1993 йилларга тўғри келди. Соҳага оид норматив ҳужжатларни қабул қилиш мустақиллик арафасига тўғри келган (Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни) [13] бўлсада, у суверенитет шароитида ўз кучини йўқотмади, балки такомиллаштириб борилди. Ушбу қонунда икки даражали банк тизимининг таркиб топиши ва мамлакат Марказий банки зиммасига янги вазифалар юкланиши қайд этиб ўтилган. Ўзбекистон банк тизими зиммасига пул муомаласини тартибга солиш, тижорат банклари тизими ҳамда тўлов тизимини шакллантириш вазифалари қўйилди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларини молиялаштириш энди ташкил этиладиган, замонавий тамойил ва талаблар асосида фаолият юритувчи ихтисослашган тижорат банклари томонидан амалга оширилиши лозим эди.

1994 йилда банк тизимидағи испоҳотлар давом этди, соҳадаги испоҳотларнинг иккинчи даври бошланди ва у 2003 йилга қадар давом этди. 1994 йилнинг 1 июлидан эътиборан миллий валюта – сўмнинг муомалага киритилгани мустақил банк тизимининг, умуман, миллий иқтисодиётнинг шаклланишида мухим аҳамият касб этди. Бу, Марказий банк ўз фаолиятида тўлиқ мустақил бўлганини, келгусида бозор инструментлари орқали миллий пул тизимининг тартибга солиш самарали ташкил этилишига ёрдам бериши мумкин эканини англатар эди. Айнан шу вақтдан бошлаб Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини юритиш, валютага оид ишларни тартибга солиш, банк фаолиятини бошқариш ва кейинчалик самарали тўлов

тизимини яратиш бўйича фаолияти тўлақонли равишда миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилди.

1990-йиллар ўрталари банк қонунчилигини такомиллаштириш даври бўлгани билан ажратиб турди. Бу йилларда банк тизимига тааллуқли икки асосий ҳужжат қабул қилинди – 1995 йилда “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ҳамда 1996 йилда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлариридир. Уларнинг ишлаб чиқилишида ривожланган молия тизимига эга мамлакатлар тажрибаси инобатга олинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур қонунлар, шунингдек, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун нодавлат банкларнинг хусусий ва акциядорлик-тижорат шаклида ташкил этилишига қулай ҳукуқий шароит яратди [14].

Бу даврда банк тизими ривожига алоҳида таъсир этган икки омилни ажратиб кўрсатиш зарур. Биринчиси, олиб борилган испоҳотлар натижасида 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар бошқарув ва банк назоратининг тӯла ҳуқуқли органи бўлди. Иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни иккинчи даражали банк тизими – тижорат банклари фаолиятининг ҳукуқий асосини аниқ пухта белгилаб берди. Унда банк активларини диверсификациялаш ва хорижий капитал жалб қилиш асосида универсал тижорат банкларини шакллантириш принциплари мустаҳкамланди. Мазкур даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк секторини бошқарувчи ва назорат қилувчи орган сифатида шаклланиш жараёнлари давом этди. Банк тизимига тааллуқли қонунчилик базаси сифат жиҳатидан янгиланиб, халқаро банк амалиёти билан мувофиқлаштирилди.

1997 йилда испоҳотларнинг стратегик йўналишларидан бири банк секторида хусусий капитал оқимини рағбатлантиришдан иборат бўлди. Мазкур жараён 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинганидан сўнг жадаллашди. Унда жисмоний

ТАРИХ

шахсларнинг 50 фоиздан кам бўлмаган улуши билан банклар очиш учун имтиёзлар тақдим этиш кўзда тутилган эди [15].

Бу даврда республика банклари Базель тавсияларига мувофиқ ҳолда фаолият кўрсатиш учун зарур тадбирлар амалга оширилди. Банк назорати ва халқаро амалиёти бўйича Базель қўмитасининг тавсияларидан келиб чиқиб, тижорат банклари фаолиятини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари доирасида тартибга солувчи комплекс меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бунда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида улар балансида мавжуд муаммоларни олдиндан аниқлаш ҳамда банк ликвидлигининг пасайиши ва капиталнинг тугаши юзага келишидан олдин огоҳлантирув чораларини кўриш тамоилларидан фойдаланилди.

Шу билан бирга, 1990-йилларнинг иккинчи ярмида мамлакат иқтисодиёти жиддий синовларга учраганлиги сабабли конвертация тизими ишламай қўиди. Сабаби, 1996 йилда содир бўлган пахта инқизози ушбу маҳсулотга белгиланган жаҳон нархларининг пасайиб кетишига сабаб бўлди ва пахта ишлаб чиқаришдан олинадиган даромадларнинг 15 фоизга қисқаришига олиб келди. Бунинг устига, 1998-1999-йилларда пахтадан нисбатан паст ҳосил олинди ва 1995-1999-йилларда унинг экспорти 25 фоизга қисқарди. Мамлакат раҳбариятининг бунга жавобан импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилишини рағбатлантириш ва валюта захираларини сақлаб қолиш кўринишида амалга оширган чоратадбирлари эксперталар томонидан турлича баҳоланди. Баъзи мулоҳазаларга кўра, протекционизм (бирор давлатнинг ўз иқтисодиётини чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсати) ва валютани чегаралаш сиёсати валюта ва савдо тартибларини либераллаштиришга салбий таъсир қилди ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўсиш суръатларини секинлаштириди. Бу эса кичик бизнесдаги бандликнинг деярли яrim баравар қисқаришига олиб келди. Кичик бизнеснинг ривожланиш суръатларининг секинлашиши, молиявий оқимларнинг давлат сектори фойдасига, хусусан, қайта тақсимланган баъзи тармоқлар ва ишлаб

чиқаришлар фойдасига хизмат қилган инвестицион фаолият билан боғланади [16].

Шуни ҳисобга олиб, бу даврнинг охирларида мамлакат раҳбарияти иқтисодиётда юз бераётган негатив ҳолатлар таъсирини камайтириш мақсадида эътиборни валюта сиёсатини либераллаштиришга қаратди. Бу ҳолат асосан кейинги босқичда кузатилди.

2003-2016 йиллар навбатдаги босқич бўлиб, бу даврда Ўзбекистон банк тизимини мустаҳкамлашда бир қатор ютуқларга эришиди. Банк тизими олдига унинг ривожланиш истиқболларини белгилаб берувчи стратегик вазифалар қўйилди. Вазифаларнинг биринчиси банклар молиявий барқарорлигини ошириш ва ички бозорда молиявий хизматлар доирасини кенгайтиришдан иборат бўлса, иккинчиси – Ўзбекистон банкларининг халқаро капитал бозорида фаоллигини таъминлаш.

Бу даврда ипотекавий кредитлаш тизими ривожлана бошлади. Аҳолининг барча қатламларини, айниқса, ёшларни ижтимоий ҳимоялашни кўзда тутувчи ушбу манба Ўзбекистон Республикаси “Истеъмол кредити тўғрисида”ти ва “Ипотека тўғрисида”ги қонунлари орқали мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Қонуни истеъмолчиларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлиdir. Мазкур қонун турар-жой ва майший шароитларни яхшилаш борасида аҳолининг имкониятларини янада кенгайтиришга, бинобарин, банкларда истеъмол кредитлаш ҳажмининг сезиларли даражада ошишига ҳизмат қилди [17].

Валюта бозорини либераллаштиришни давом эттириш ва жорий халқаро операциялар бўйича сўм конвертациясини таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиш билан боғлиқ бўлган омиллар ҳам банклар фаолиятига бевосита таъсир кўрсатди. Чунончи, 2003 йилнинг 15 октябридан Ўзбекистон Республикаси Халқаро Валюта жамғармаси Битимининг VII моддасидаги мажбуриятни қабул қилди. Натижада корхоналар жорий операциялар бўйича конвертацияни амалга ошириш имкониятига қисман эга бўлди [18]. Валюта бозорининг эркинлаштирилиши натижасида расмий курс уч марта девальвация қилинди, 1990-йиллар

ўрталарида вужудга келган валюта бозори қора курсининг 2004-2008 йилларда фарқи қисқариб кетди. Шу билан бирга, бу йилларда мамлакатнинг иқтисоди юқори ривожланиш суръатларига эга бўлди. Экспорт тўрт баравар ошди. Бундан ташқари, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва банклар билан ишлаш механизмлари соддалаштирилди [19].

2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида ташки маблағларни жалб этмай, амалда ўз ресурсларига таяниб иш кўрган мамлакат раҳбарияти валюта бозорида яна чекловларни жорий эта бошлади. Мазкур чоралар чекланган тарзда амалга оширилганлиги учун миллий валюта конвертациясидан фойдаланган маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар ўз фаолиятларини амалга оширишда қатор муаммоларга учрадилар. Шу билан бирга, маъмурӣ тўсиклар, рақобатни чеклаш бизнес ривожига имкон бермади [20].

2017 йилдан бошлаб республика банк тизимида мутлақо янги давр бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясининг қабул қилиниши миллий банк тизимида испоҳотларнинг навбатдаги босқичига туртки берди. Иқтисодиётда амалга оширилаётган испоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш доирасида қатор вазифалар билан бирга, илфор халқаро тажрибага мувофиқ инструментлардан фойдаланиш ҳисобига пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, миллий валютанинг ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, эркин конвертацияни таъминловчи валютага оид муносабатларни тартибга солиш, миллий валюта курсини шакллантиришда замонавий бозор механизмларини жорий этиш каби долзарб вазифалар қўйилди.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда, янги босқичга Ўзбекистон иқтисодиётда самарали ўзгаришларга эришиш ва унинг барқарор ҳамда инклузив ўсишининг ишончли заминини

шакллантиришга йўналтирилган туб ўзгаришлар қаратилган ишларни амалга оширишга киришилди.

Ушбу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши республиканинг инвестицион жозибадорлигининг тубдан яхшиланиши ҳамда валюта сиёсатининг либераллашуви билан чамбарчас боғлиқдир.

Янги босқичда иқтисодиётдаги дастлабки испоҳотлар, аввало, иқтисоднинг қон-томири ҳисобланган банк-молия тизимидан бошланди. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахсларга чет эл валютасини тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчаларига эркин сотиш ва конверсион бўлимларидан сотиб олиш ва чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиш хукуқи берилди. Шунингдек, миллий валютанинг ягона тўлов воситаси сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси худудида товар ва хизматлар (ишлар) учун чет эл валютасида тўловларни амалга ошириш тақиқланди [21].

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар қисқа фурсатда ўз натижасини бера бошлади. Хусусан, фармон қабул қилинган 2017 йил сентябрь-октябрь ойларидаёқ валюта бозоридаги операцияларнинг ўртача ойлик ҳажми биринчи ярим йилликнинг тегишли кўрсаткичига нисбатан салмоқли даражада – 1,7 марта ошди. Шу билан бирга, экспортчилар томонидан валюта савдоси операциялари шу йилнинг биринчи ярмидаги ўртача ойлик операцияларга нисбатан 2 бараварга ошди [22].

Умуман олганда, 2017 йил якунига келиб, чет эл валютасининг олди-сотди операциялари ҳажми либерализация даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, ўртача 1,3 миллиард долларни ташкил этди. Шу билан бирга, давлатнинг олтин-валюта захиралари йил давомида 1,1 миллиард долларга кўпайди.

Валюта бозорида амалга оширилаётган ишлар халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ижобий баҳоланди. Хусусан, 2017 йилнинг 7-16 ноябрида Халқаро валюта фондининг (ХВФ) Альберт Егер раҳбарлигидаги миссиясининг Тошкентга ташрифи сўнггида баёнот қабул қилинди,

ТАРИХ

унда: “Миссия расмий органларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган ривожланиш стратегияси устуворликларига мувофиқ макроиқтисодий барқарорликнинг янада самарали асосларига ўтиш ва иқтисодиётда инвестиция муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишларини ижобий баҳолайди”, деб таъкидланди [23].

Тизимда ўтказилган дастлабки ислоҳотлар мамлакат иқтисодиётининг жонланишига, муҳими, аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қила бошлади. 2020 йилга келиб, Ўзбекистон банк тизимида 31 та тижорат банки фаолият олиб бормоқда. Шулардан 13 та банк давлат улуши мавжуд банк бўлса, 16 та банк хусусий банк ёки чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. 2019 йил июль ойидан бошлаб, Қозогистон “Halyk bank”нинг шуъба банки сифатида, Тенге банк, ўз фаолиятини бошлади. Рауме тўлов хизмати акциялари бошқарув пакетини сотиб олган Грузиянинг ТВС банки жорий йил апрель ойидан банк фаолиятини амалга оширишни бошлади [24].

Янги даврда эришилган ютуқларга қарамасдан, иқтисодиётда охирги чорак аср давомида шаклланган монополистик характердаги иқтисодиёт аломатлари, банк тизимида рақобатнинг деярли ривож топмагани, имтиёзли кредитлар амалиётидан воз кечилмагани [25], банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўриш заруратини келтириб чиқарди.

Бу борада Президент Ш.Мирзиёев алоҳида тўхталиб, соҳада тўплangan муаммоларни бартараф этишга ва замонавий ишлаш механизmlарини жорий этишга қаратилган вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, ушбу вазифалар қуйидагилардан иборатdir: банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабига олиб чиқиши; банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган “лойиҳалар

фабрикаси” фаолиятини йўлга қўйиш; банклар халқаро молия бозорларига чиқиб, арzon ва узоқ муддатли ресурслар олиб келиш; давлат улушига эга бўлган банклар босқичма-босқич стратегик инвесторларга сотиш; соҳада замонавий кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш; банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш; аҳолида банк тизимиға нисбатан ишончни шакллантириш ва банклар фаолиятига четдан аралашишга чек қўйиш [26].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда замонавий банк тизимининг шаклланиш ва ривожланиш йўлида қатор муаммоли даврлар кузатилди. Россия империяси даврида асос солинган банк тизими совет давридаги тажрибага учради. Натижада деярли етмиш йил давомида монобанк шаклида фаолият кўрсатган мамлакат банк тизими тадрижий ривожланиш йўли ва жаҳоннинг илфор тажрибасидан четда қолди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос бўлган мустақил банк тизими асослари яратилди, аммо 1990-йиллар ўрталаридан 2017 йилга қадар банк соҳасида, шу жумладан, валюта бозорида олиб борилган сиёsat мамлакат иқтисодиётининг юкори ўсиш суръатлар билан ривожланиши, саноат салоҳиятининг юксалиши, тадбиркорлик ҳаракатининг янада равнақ топишида кўпроқ тўғаноқ вазифасини бажарди. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш шароитларини янада яхшилашга қаратилган ишлар саломининг пасайишига сабаб бўлди. 2017 йилдан бошлаб, банк тизимида ўтказила бошланган ислоҳотлар натижасида ижобий ўзгаришлар кузатила бошланди. Айни вақтда, банк соҳасида ислоҳотларни чукурлаштириш ва йиллар давомида тўплangan муаммоларни бартараф этиш юзасидан янги вазифалар белгиланди. Айниқса охирги йилларда “мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили тижорат банклари фаолиятининг бош мезонига айланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Адабиётлар:

1. Центральный Государственный архив Республики Узбекистан (далее ЦГА РУз), фонд И-1,опись 16, дело 2317, л. 1-1 оборот. См. также: Алимджанов Б.А. Штрихи к истории ташкентского отделения государственного банка (1875-1917) / Восток (Oriens). – М.: 2018, – № 2.; Вексельман М.И. Деятельность русских коммерческих банков в Средней Азии и их роль в развитии местной буржуазии. / «История СССР».– М.: 1979, – № 4.
2. Энциклопедия. –Т., 1984.

3. Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX–начало XX в.) Автореф... докт. ист. наук. Т., 1990.

4. Замонавий иқтисодий масалаларга бағишиланган адабиётларда таъкидланишича, давлат монобанки режали-директив қартияларга бағишиланган адабиётларда таъкидланишича, давлат монобанки режали-директив иқтисодий тизимда фаолият кўрсатувчи марказий банк турларидан бири ҳисобланади. Марказий банк, бозор иқтисодиёти фаолият кўрсатмайдиган шароитда бошқа молия институтлари каби, хукумат томонидан бошқарилади, уларнинг фаолиятини режалаштиради, ташкил қиласи ва назорат қиласи. Монобанк, ички бозорда пул муомаласидаги монополиядан ташқари, банк соҳасида ва валюта операциялари бўйича ҳам монополияга эга бўлади. Валюта монополиясининг шаклланиши бу валюта бозорининг ёпилиши ва директив (маъмурий) валюта курсининг жорий этилишини англатади. Баъзи мамлакатлар ўзларининг миллый иқтисодиётларини социалистик андоза асосида қуриб, пулдан бутунлай воз кечишга ва бартер муносабатларига ўтишга харакат қилишди, аммо бу тажриба ҳеч қаерда муваффақиятли бўлмади. Манба: Моисеев С.Р. История центральных банков и бумажных денег / С.Р. Моисеев. – М.: Вече, 2015.

5. Декрет Всероссийского Центрального Исполнительного комитета от 14 декабря 1917 года “О национализации банков” // Библиотека нормативно-правовых актов СССР http://www.libussr.ru/doc_ussr/ussr_93.htm

6. Постановление Всероссийского Центрального Исполнительного комитета от 12 октября 1921 года “Об учреждении Государственного банка” // Библиотека нормативно-правовых актов СССР http://www.libussr.ru/doc_ussr/ussr_1137.htm

7. Государственный банк СССР // Большая советская энциклопедия : [в 30 т.] / гл. ред. А.М.Прохоров. – 3-е изд. – М. : Советская энциклопедия, 1969 –1978.

8. Государственный банк СССР // <https://ru.wikipedia.org/wiki/%B02009>

9. Рахматуллаев Ш.М. 1980-йиллар охири ва 1990-йиллар бошларида Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш муаммолари // Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари. – Т., 2019.

10. Постановление Центрального Комитета КПСС и Совета Министров СССР от 17 июля 1987 года “О совершенствовании системы банков в стране и усилении их воздействия на повышение эффективности экономики” / Библиотека нормативно-правовых актов СССР // http://www.libussr.ru/doc_usr/usr_14149.htm

11. Акционерный Инновационный Коммерческий Банк «Ипак Йули» // <https://ru.ipakyulibank.uz/about>

12. Акционерно-коммерческий банк «Hamkorbank» // https://hamkorbank.uz/ru/content/o_banke/link/o_banke

13. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/4581969>

14. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги “Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/215717>

16. Новейшая история Узбекистана (1991-2016 гг.): Коллективная монография. – Т.: Фан, 2019.

17. Банк тизими тарихи // <https://cbu.uz/oz/about/history/>

18. Банк тизими тарихи // <https://cbu.uz/oz/about/history/>

19. Итоги 2018: Юлий Юсупов о самых важных реформах в Узбекистане за год и о том, что сделано не было // <https://www.spot.uz/ru/2018/12/18/yusupov/>

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/3326421>

21. Джанизакова С. Либерализация валютного рынка: предварительные результаты и перспективы // <https://finance.uz/index.php/ru/fuz-menu-economy-ru/1976-liberalizatsiya-valyutnogo-ryntka-predvaritelnye-rezulatty-i-perspektivy>

22. ХВФ миссиясининг Ўзбекистондаги амалий ташрифи якунлари бўйича баёноти // https://cbu.uz/oz/press_center/news/38331?phrase_id=22895

23. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази “Банклар фаоллик индекси”ни ишлаб чиқди // <https://review.uz/oz/post/iqtisodiy-tadqiqotlar-va-islohotlar-markazi-banklar-faollik-indeksini-ishlab-chiqli>

24. Иқтисоди Юлий Юсупов 2019 йил якунлари ва келгуси йил ҳақида // <https://uzanalytics.com/jamiyat/6317/>

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://aza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

(Тақризчи: Б.Усмонов – тарих фанлари доктори).